

АФГОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ

РАЎБАРИ БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!
Муҳтарам Раббоний жаноблари!

Сизга мурожаат этиш ва айни пайтда афгон халқига самимий истакларимни етказиш имкониятидан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

Биз учун афгон халқи олхонинг иродаси ва тақдир тақозоси билан минглаб йиллар давомида ёнма-ён яшаб, ҳамдардлик кўрсатган қардош ва қариндош бўлган халқлардан биридир.

Кўхна Афғонистон динида кўплаб ўзбек авлодлари ўз бахтларини топишди. Бу ерда жаҳон маданиятининг буюк алломаси, бобокалонимиз мир Алишер Навоий, аждодларимизга мансуб бошқа табаррук шахслар из қолдирганликларидан биз учун тарихнинг муқаддас саҳифаларидир.

Ўтмишимизнинг чамбарчас боғланган, кўп даврлар давомида ягона бўлган тарихи, айниқса, ислом фалсафаси ва руҳияти билан суғорилган ва минтақамиз халқларини бирлаштирган маънавий ришталар, урф-одатлар, анъана ва қадриятларимиз бирлиги ҳаммамиз учун катта куч ва мадд берувчи қудратли манбадир.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасида ҳеч қачон кескин туғнашувлар бўлмаганида катта раъзий маъно бор. Заҳматнаш Афғон халқи кўрган катта мусибатлар биз учун ҳам оғир дард бўлиб келди. Худода минг қатла шукри, эндиликда Афғонистон ташқи жоҳил кучларнинг тинимсиз хуружларидан, уларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларидан қутулди. Аммо бу

ерда 13 йил давом этган аёвсиз уруш мобайнида минг-минглаб одамларнинг нобуд бўлиши, сон-саноксиз етим-есирлар, мислсиз вайронагарчилик ва жароҳатлар, тинчлик ва оқошталик нималигини унутган афғон халқининг дарди ва алами — XX асрнинг улкан фожеасидир.

Муствақиллик ва истиқлол уфқлари сари интилаётган Ўзбекистон эндигина ўзининг бош мақсадларини ўзи белгилаш, асл дўстларини ўзи аниқлаш, озолик, тенглик ва адолат ҳақидаги асрий орзу-умидларини ўзи ифодалаш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳозирги кунда республикамиз Шарқ минтақасида кўплаб давлатлар билан ибратомуз ҳамкорлик қилмоқда. Ён қўшимчи — Афғонистон халқи билан тўб маънода қардошлик муносабатларини ривожлантириш эрксевар ва садоқатли Ўзбекистон аҳлининг асл ниятидир.

Авлод-аждодларимиз руҳи, халқларимизнинг эзгу ниятлари эндиликда барча инотхиркамликка, тинч меҳнатга, қўшнчилик ва дўстлик алоқаларини муствақамлашга чорламоқда.

Жаноби олийлари, сизни фурсат топиб Ўзбекистонга ташриф буюришингизни ва юксак мартабали меҳмонимиз бўлишингизни сўраймиз. Иймоним комилки, азалдан меҳмондўст ўзбек халқи сизни катта самимият ва эҳтиром билан кутиб олади.

Халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида дўстона алоқалар муствақамлашни ҳудуднинг ўзи ёр бўлиши. Хурмат ва эҳтиром билан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг яқинда Тожикистондаги қонли воқеалар мунсабатлари билан ўтказган мағбуот конференцияси ёлғизда бўлса керак. Президентимизнинг махаллий ва чет эллик журналистлар билан қўш қўш ўтказган навбатдаги учрашуви ўша мулоқотнинг давоми бўлди, дейиш мумкин. Гап ана ўша муаммо — Ўрта Осиё минтақасида Тожикистон ва Афғонистондаги можадорлар боис сақланиб турган хавфли вазият ҳақида борди.

Ўзбекистон раҳбари бу маъмуриятдан қаттиқ ташвишга тушаётганини яна бир бор таъкидлаб айтди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилмаса, бутун минтақада ҳаёт оқошта кеч

чиши қийин. Бунинг Тожикистонда қўш бераётган воқеаларда яқин кўрсатиб турибди. Уруш оқошини ўчиришга Ўзбекистон ҳам ҳисса қўлиши зарур. Турроғи, у аллақачон бу хавфли ишга киришди.

Маълумки, бундан бир неча кун бурун Ўзбекистон раҳбари БМТнинг бош котиби Бутрос Гали жанобларига хат ёзиб, жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Тожикистонда вужудга келган мураккаб вазиятга жиддийроқ қаратишга чақирган эди. Бош котиб Ислом Каримовнинг бу ташаббусига хайрихоҳлик билан жавоб берди. БМТнинг илҳузли делегациясини Тожикистон сари йўллади.

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 15 сентябрь кунини Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Карло Унгарога қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиқларини топширди.

— Италиянинг Ўзбекистон Республикаси билан ўз

аро алоқалари бутун бошиланган йўл, — деди К. Унгаро жаноблари. — Муствақил ўзбек дёвирининг турли бурчакларида мамлакатимиз билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар фақатимиз дэлялидир. Давлатимиз Ўзбекистон билан

ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичда давом эттириш истагиди.

Ислом Каримов Карло Унгарони Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинлангани мунсабатидан билан самимий қўллаб, унинг бу маъсулиятини ишда омад т

лади. Ўзбекистон билан гўзал ва қадимий Италия давлати ўртасидаги мунсабатлар бундан буйи ҳам тенг ҳуқуқлиқ асосида ривожланаверади, деб ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов иштирок этди.

(ЎзА мухбири).



1937 йил 20 январда Лахора (Поникстон) тутилган. 1961 йилда — Рим университетини ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. 1962 йил — дипломатия-консуллик хизматига қабул қилинган. 1962 — 1963 йиллар —

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ИТАЛИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВКУЛДАДА ВА
МУХТОР ЭЛЧИСИ
Карло УНГАРО

Ташқи ишлар вазирлиги дипломатия-консуллик хизматига, иккинчи ишлар бошқармаси 9-бўлими ходими. 1963 — 1964 йиллар — Леопольддаги (Заир) миссияда атташе, иккинчи котиб. 1964 — 1966 йиллар — Италиянинг Заирдаги элчихонасида унчинчи котиб. 1967 — 1968 йиллар — Велфорда (Англия) консул ўринбосари. 1968 — 1969 йиллар — Италиянинг Кобулдаги (Афғонистон) элчихонасида би

ринчи котиб. 1969 — 1972 йиллар — Кобулдаги Италия элчихонасида маслаҳатчи. 1972 — 1973 йиллар — Миссия маслаҳатчиси. 1973 — 1976 йиллар — Куала — Лумпурда (Малайзия) миссия маслаҳатчиси. 1976 — 1978 йиллар — Роттердамда (Нидерландия) бош консулнинг муdiri вазифасини бажарувчи. 1978 — 1981 йиллар — Роттердамда элчихона маслаҳатчиси.

1982 — 1984 йиллар — Роттердамда бош консул. 1984 — 1987 — Ташқи ишлар вазирлиги маданий муносабатлар Бош бошқармаси 3-бўлими бошлиғи. 1987 йил — Ташқи ишлар вазирлиги маданий муносабатлар Бош бошқармасининг тадқиқот, таҳлил ва режалаш бўлими муdiri. 1987 — 1992 йиллар — Верна (Швейцария) мухожирлар масалалари ва юстиция ишлар бўлими бошлиғи. 1992 йили — Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавкулдада ва мухтор элчиси этиб тайинланган. Инглиз, француз, дари, форс тилларини билади. Ойлали, икки фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.



ОҚ ЙЎЛ, «ОҚ ОЛТИН» КАРВОНЛАРИ!

ПАХТА далалари жонланиб, жилоланиб, чирой-бахш бўлиб қолди. Ўза тулларидаги шода-шода кўсаклар бирин-кетин тиш ёриб, бедроқдек очилмоқда. Ҳосил пилиш этилатар! Деҳқонлар катта машаққатлар эвазига етиштирилган «оқ олтин»ларини йиғиб-териб олишга киришдилар.

Дастлабки ҳосил ортланган карвонлар тантанавор йўлга чиқди. Йилгари хабар берганимиздек, бу соҳада бекободликлар ташаббускор бўлдилар.

ҳар бир қишлоқ аҳли, ҳар бир деҳқон масум масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилаётганини бизни қувонтиради. Улар далада етиштирган ҳосилни ёғин-сочини кунларга қолдирмай, сифатли қилиб, қанчалик тез йиғиштириб олсак, муствақилликни муствақамлашга шунчалик ҳисса қўшган бўламиз, деб айтмоқдалар.

— Сизлар — бу ҳосилни етиштирувчи қанчалик маънафат чеканликларинингизни яхши биламиз, — деди завод директори Алиқон Вохидов ҳосил карвонини билан деҳқонларни қўтлар экан. — Карс икки қўлдан деганларидек, биз ҳам сизларнинг меҳнатингиз қадрини баланд қўтаришга астойдил ҳаракат қиламиз. Ана шу мақсадда янги ҳосилни қабул қилиб олишга жуда

эрта тайёргарлик бошлаганмиз. Ҳамма воситалар шай қилиб қўйилган. Сизларни мақтал қилиб қўймазликка сўз берамиз. Тантанада сўзга чиққанлар бу йилги вазиятда пахтакор, механизатор, тайёрловчиларнинг маъсулиятини ҳақида кўниб гапирдилар. Энди бундан буйи об-ҳавога ишониб бўлмайди. Тайёр техникаларни тўла қувват билан ишлатишимиз керак. Қишлоқда яшаб, истифomat қиладиган одам борки, у йилги-теримга баҳоли қудратли ҳиссасини қўшмоғи шарт! Шундан кейин ҳосил топириш бошланади кетди. Улутбек номли, Ойбек номли, «Авангард», «Бекобод», «Навоҳор», «Фарҳод» ва «Далварзин» хўжаликлари энг кўп пахта топширдилар. Уша кунини Бекобод пахта заводи ҳам тавқум бўлди.



ОҚ ЙЎЛ, «ОҚ ОЛТИН» КАРВОНЛАРИ!

Бу ерта «Ўзбекистон», Бобур номли, Навоий номли колхозлар дастлабки ҳосилларини олиб келиб топширдилар.

БўНАЛИК Файди, азамат, марду-майдон деҳқонлар ҳам пахта ортланган ҳосил карвонларига оқ йўл тиладилар. Ҳосил байрами, меҳнат байрамига айланиб кетди.

— Аҳдими қатъий — деб айтди район ҳокими Қодир Элчибеков, — гарчи пахтанинг етилиши ўтган йилга қараганда бир оз кечиккан бўлса-да, бироқ пайкалларда ҳосилнинг мўллиги бизни қувонтиради. Энди ҳамма гап ана шу ҳосилни йиғиб-териб олишга қолди. Деҳқонларимиз бу ишни ушдан қиладиган. Йиғим-терим маъсулиятини учун махсус тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шу тадбир асосида ҳар бир хўжалик ўзининг тадбирини белгиланган. Бу тадбирларда асосий эътибор мавсум давомида далада ишлаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга қаратилган.

— Ҳақиқатан ҳам ҳосил тадбирини одамлар ҳал қилади, — деди «Лениннам

жамоа хўжалиги раиси Омон Амиров, — агар биз уларга ҳамма шароитни яратиб берсак, мен аминманки, режаларимизни муддатдан илгари ошириб бажарамиз. Дала шийпонлари олдиндан шайлаб қўйилган, кунинг иссиқ оғат ташкил этилади. Ҳар бир механик ҳайдовчи, ҳар бир теримчи ўз имконияти даражасида зиммасига мажбурият олган. Бу мажбурият, албатта, бажарилади.

— Мавқуд имкониятдан тўла фойдаланиш учун бизда асос бор, — дейди «ЎзНА» совхозидан сўзга чиққан Уроғул Букирова, — теримнинг дастлабки кунидан қўлда териланган ҳар бир килограмм пахтага 2 сўмдан, машинада терилган пахтанинг ҳар бир тоннасига 100 сўмдан пул тўланиши — бу деҳқон меҳнатининг қадрини оширади. Меҳнатнинг қадрланиши эса — унумдорлик, барака манбаидир. Режадаги пахтанинг 15 фоизи ва режадан ташқари пахтанинг ҳаммаси деҳқоннинг ўз ихтиёрида қолсин эса — яхши, унумли меҳнат қилиш учун ана бир янги давлат бўлди! Бу имкониятдан ҳар бир пахтакор албатта фой

даланиш учун ҳаракат қилади.

Бу йил ҳам бўнадиклар асосий ҳосилни машинада териб олишга аҳд қилганлар. Мавқуд 475 та машинанинг ҳаммаси барвақт созланиб, 2—3 бор синовдан ўтказилиб тахт қилиб қўйилди. Бу машиналар сифатли ишлаши эса бағр тўқилишининг рисолатидек ўтказилиши билан боғлиқдир. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар бу муҳим тадбирга маъсулият билан ёлғизлашмоқдалар. Ҳозирги кунда 82 та ОВХ пурқатги машиналари ишга тушириб юборилди. Бағр тўқини ишларини ўз вақтида ўтказиш учун қудай фурсат келди.

Ҳар икки районда ҳосил карвонига оқ йўл тилаш тантаналарида бу йилги шароитда пахта йиғим-теримини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган ана шу сингари қатор масалалар, вазифалар белгилаб олинди.

Вилоят ҳокими С. Сайдалиев ўз сўзида деҳқонларни, бутун қишлоқ аҳлини муствақилликни амалий меҳнат билан муствақамлашга даъват этди.

Кеча Пискент районига ҳам пахта ҳосил карвонини заводга йўл олди.

Н. РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.



Суратларда: дастлабки «оқ олтин» карвонлари ва терим пайти.



В. ХАРИТОНОВ суратлари.

ХУНРЕЗЛИК ТЎХТАТИЛСИН,
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ҲИМОЯ ҚИЛИНСИН!

ҲУКУМАТГА ДАХЛСИЗ МУСТАҚИЛ
ТАШКИЛОТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ТОЖИКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР
МУНОСАБАТИ БИЛАН МУРОЖААТИ

ни можадорнинг кучайишига олиб келди. Тожикистонда энг муқаддас нарсаси — инсоннинг ашш ҳуқуқни топталмоқда. БМТ Низомига мувофиқ инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш барча ҳукуматлар ва халқларнинг муштарак бурчидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини И. Каримовнинг қардош тожик халқига мурожаатида шу диверда тинчлик, фуқаролар тоғувлиги ва барқарорлик тикланади, деб умид билдирилган.

Ҳукуматга дахлсиз муствақил ташкилот — Ўзбеки

стон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий комитети.

— Тожикистонда бўлаётган воқеалардан ташвишланган инсонларнинг ҳалол мақсадага мувофиқ деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари миллий комитети тожик халқини ўзига хос долоқини кўрсатишга ва сабр-бардошли бўлишга чақиради.

Юртининг тинч-оқошта бўлиши, азия биродарлари!

Тожикистондаги вазият — чегараларнинг дахлсизлиги қондаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига сўзсиз риоя қилган, Тожикистон ҳудудидан кам сонли миллатлар ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда, БМТ Низоми қондаларига асосида баргараф этилиши лозим деб билади;

— можадорни қурол ишлаши йўли билан ҳал этиш учун уринишга йўл қўйиб бўлмайди, бундай уринишлар беҳуда, деб ҳисоблайди; — муҳолиф томонларни можадор тағин ҳам ави олиб кетишга йўл қўймазлик учун бор кучини сарфлашга даъват этади;

— Тожикистондаги можадорни баргараф этишга доир тинчлик ўрнатилиш шароити БМТнинг тегишли кучларини жалб этишнинг мақсадага мувофиқ деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари миллий комитети тожик халқини ўзига хос долоқини кўрсатишга ва сабр-бардошли бўлишга чақиради.

Юртининг тинч-оқошта бўлиши, азия биродарлари!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ КОМИТЕТИ

БҮЛГАН

дидорага республика фуқаролари ҳамда араб мамлакатларидан тушган маблағлар қандай сарфланётгани, хайрия сифатида олинган Қўрьонни қарим ва диний адабиётлар сотилиб, тушган маблағлар ўзлаштирилиб юборилгани ҳақида гаплар бор.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири республика прокурори Б. Мустафоев билан учрашиб, ундан ана шу хатлар юзасидан ўз фикрини айтишини илтимос қилди.

— Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига шундай маъмулда хатлар ва мурожаатномалар келмоқда, — деди Бўригон Мустафоевич.

Прократура номига олинмаётган ҳар бир хат на мурожаат ҳодимларимиз томонидан катта эътибор билан атрофича ўрганиб чиқилмоқда. Бу ишга прокуратурамизнинг энг тажрибали ва етуқ мутахассислари жалб этилган бўлиб, улар ўзларига юклатилган ана шу масъулиятни назифани виждондан адо этмоқдалар.

Бу мактублар асосан республиканинг Наманган вилоятидан, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкентстондан келган. Уларда республика фуқаролари ҳамда араб мамлакатларидан, жумладан, Саудия Арабистонидан ўлкада масжидлар қуриш, уларни таъмирлаш, Ҳажга бориш учун хайрия сифатида юборилган маблағлар диний идора раҳбарлари томонидан ўзбошимчалик билан сарфлаб келинаётгани айтилган.

Бизнинг номимизга келган бу хил хат ва мурожаатлардаги маълумотлар шундан dalolat берадики, халқ республикада минг афсуски, мустақиллигини мустаҳкамлашга тўқинили қилаётган, минтақада ислом давлатини ўрнатганини таллаётган, эътиқод қилгани қондаларига риоя қилмай, қўшни Тожикистондаги сиёсий вазиятнинг кескинлашувиға ва у ердаги қонли урушнинг авж олдиришга моддий томондан ёрдам кўрсатаётган диндорлар ҳам бор. Монароунахр муслмонлари идораси раҳбарлари қўшни Тожикистонда рўй бераётган даҳшатли воқеалардан ташвиш ташвишланиб, улар шу республикадаги қуролланган кишиларни нотўғри йўлда қайтарига даъват этмасдан, бефарқ қараб турибдилар.

Хозирда прокуратурамиз томонидан хатларда кўрсатилган фактлар бўйича жиддий иш қўзғатилиб, Монароунахр муслмонлари идорасининг охириг уч йиллик молиявий-хўжалик фаолияти тафтиш қилинмоқда.

Умумижаҳон муслмонлари уюшмасидан келган маблағлар ҳам қайси мақсадларда учун сарф қилингани тафтишда аниқланиши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ керакки, диний идорадагилар ҳам ҳараратига учун юборилган маблағлардан ўз манфаатлари йўлида ҳеч тортинмасдан фойдалангилар. Улар ана шу маблағлар ҳисобига ўз қариндош-уруғларини ҳажга



«Тошкент ҳақиқати» йўқламаси

ХУШХАБАРЛАР

СИЛОС БОСТИРИЛМОҚДА

«АНГИН ХАЁТ» ижара ҳужалигининг 658 гектар майдондаги маккажўхорилари силос учун обдон етилди. Ҳозирги кунда ҳужаликнинг ўнга яқин агрегатлари даладан силос учун маккажўхори ўриш ишлари билан банд. Ҳар кун 22—24 гектарга етказиб маккажўхори ўрилиб, силос сифатида ҳақиқатда босилаётган. Бугунгача 400 гектардан кўпроқ майдондаги маккажўхорилар янчиблиб, силос сифатида тайёрлаб қўйилди.

КАРТОШКА — ДАВЛАТГА

«АНГРЕН» ижара ҳужалиги деҳқонлари ҳар гектар экинордан 110 ўрнига ўртача 116 центнердан картошка қазиб олимоқдалар. Янги картошка жадал суратлар билан давлат тақсиротларига юборилмоқда. Ҳозиргача 120 тоннадан ортиқ картошка топирилди. Ҳужаликда пилэ топириш ҳам бошланди.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

«ЎЗБЕКИСТОН» ижара ҳужалиги даладарда мўл полиз маҳсулотлари еттирилди. Ҳужалик раҳбариятининг ташаббуси билан қишлоқлардаги барча ишдан бўш аҳоли икхтёрли равишда сабавот маҳсулотларини тўплаб олишга жалб этилган. Натижада эл-юрт дастурхонига сабавот маҳсулотлари етказиб бериш кун сайин авж олиб бораётган. Ҳозиргача райондаги саноатчилар дастурхонларига 76 тонна қарам, 300 тоннадан кўпроқ пилэ, 1400 тонна помидор ва бошқа қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари етказиб берилади.

РЕЖА ВАЖАРИЛДИ

«ОЛМАЛИК» ижара ҳужалигида сийралардан сут сориб олиш кун сайин ортиб бораётган. Бу ерда ҳар беш сийралдан ўртача ўн-ўн икки килограммдан сут сориб олинаётган. Бу сурат ҳужаликда саник оғ ичиде топирилиш керак бўлган сут режасини ўтган оғнинг охиридагидек 146 фоз этиб ваҳарилиш имконини берди. Ҳужаликда сут тайёрлаш таърихари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли равишда камайди.

ШИФОКОР ЎЗСОЗЛАНДИ

ТУХТАСИН Турсунов райондаги санитария ва эпидемиология станциясига яқин ўттиз беш йилдан бери раҳбарлик қилади. Бу даврда унинг ташаббуси билан Охангаронда бир вақтлар кенг тарқалган бўғма, беақ ва бошқа юқумли касалликлар тамомилда тугатилди. Яқинда меҳнат фахрийлигига чиққан Тухтасин акага эсдалик совғалари топирилди, дил сўзларини айтилди, ҳалол меҳнати учун мишнатдорчилик билдирилди.



Танийонг Бақодир Тўйчиев

ЎНДАН ортиқ маданият уйлари ва саройларда ўн бешдан кўпроқ бадиий ҳа-наскорлик жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Бақодир Тўйчиев ана шу кўларнинг бири. «Охангарон» ижара жамоасининг маданият уйи-да унинг етакчилигида ҳа-наскор хонанда ва соҳнада-лар эл-юртга хизмат қилиб келинаётган. Ширалли овоз эгаси Бақодир аяни пайтда бадиий жамоанинг мусиқа раҳбари ҳамдир.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Мустақил-лигининг бир йиллиги муносабати билан бе-рилаётган вилоятимиз шаҳар ва районлари-нинг йўқламаси бу сафар Охангарон райо-нига бағишланади. Маълумки, бу қўна ва на-вқирон воҳа меҳнаткашлари ўзларининг чорвачилик, сабавотчилик, боғдорчилик ва бо-шқа соҳаларда эришаётган ютуқлари би-лан халқ ҳужалигимизни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, му-стақиллик шарофати билан охангаронликлар қўлга киритаётган ютуқлар ибратлидир. Биз ана шу ҳақида мақола ва хабарларни эъти-борингизга ҳавола этамиз.

Келишилган шартларга муво-фиқ 1993 йилда қорхонанинг даст-лабки навабати иш бошлайди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот-нинг 69 фозини бизга қолди, 31 фозини эса Туркия фирмаси то-монидан сотилади. Шундай қи-либ қисқа вақт ичиде Охангарон ўз маҳсулотлари билан жаҳон бо-зорига чиқишга тарадду қўр-моқда.

Районимиз ишлаб чиқариши асо-сан чорвачилик ва деҳқончилик-ка мўлжалланган, унинг бой табиий ресурслари, қилим па-роғи шунга мос. Шунга қара-май, ишдан бери бу ерда чор-вачилик, айниқса, қўйчиликни тараққийи-ти жуда суст бораётгани

ЎТГАН йили чорва қиш-лови пайтидаги озуқа та-қислиги райондаги ҳужалик-ларнинг чорвадорлари учун жуда катта сабоқ бўлди. Ай-ни қишло охиридагиде озуқа захиралари тугаб қол-ди, март ойининг бошларида эса бемаврид ёққан қор чо-ва молларининг бир мунча талофат қўришига олиб ке-лди. Райондаги барча ҳужа-ликларнинг раҳбарлари ҳам, чорвадорлар ҳам, озуқа жа-мғариш билан машғул бўла-ётган кишилар ҳам бундан тегишли худоса чиқариб ол-дилар.

ва қўчқорлар ола бошладик. Ҳам жун, ҳам гўшт берадиган, ҳар бири 80—70 килограммдан кў-проқ тош босадиган қўчқорлар билан чорваимизни яхшилаб ола-миз деган умиддамыз. Бу режа-миз ҳадемай рўйбга чиқишига гу-монимиз йўқ.

Охангарон бир вақтлар шол-чилик билан ҳам дон тарағган воҳа эди. Аммо бу соҳа кейинги пайтларда унутилди. Ўтган йил-дан бошлаб «Ўзбекистон», «Охан-гарон», «Олмалик» ижара ҳужа-ликлари Охангарон дарёсининг соҳилларидаги бир вақтлар Турк-ВО икхтёрлида бўлган ерларге шол экиб, озуқа ҳосил олдилар. Бу йил эса шолчилик билан

ИСТИҚБОЛ—МЕХНАТИМИЗДА

Соғломбек БАЛАШОВ,
ОХАНГАРОН РАЙОН ҲОКИМИ, ЎЗБЕКИС-
ТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ
КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР

ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Охан-гарондаги деярли барча ҳужа-ликларда меренос — оқ қўйлар боқилади. Улардан майин ва ярим майин жун олинади. Аммо райондаги собиқ раҳбарларнинг маъсулиятсизлиги оқибатида қўй-ларнинг деярли ҳаммаси касалга-чална бошлаган, уларнинг қол-лари бузилиб кетган, оқ қўйлар билан қора жайдар қўйларнинг зоти аралаштирилиб юборилган. Биз қўй қонларини тозалаш, уларнинг наслини яхшилаш бо-расида илгари ҳам бир неча мар-та мурожаат қилгандик, лекин илтимосларимиз оқибатсиз қолиб келганди. Ниҳоят, ҳаракатлари-миз зое кетмади, орзу-умидлари-миз ушаладиган бўлди. Биз қар-дош Қозғистоннинг Турғай ви-лоятидаги Жангелди райони билан алоқа ўрнатдик. У ердан 15 минг бошдан кўпроқ тоза наслин қўй

шугулланувчи ҳужаликлар қў-лайди. Биз бир замонлар эл оғ-зига тушган «Қурама гуручи», «Теловнинг шолни» каби шол и навларини тиклашга ҳаракат қи-лаётимиз.

Деҳқонларимиз бу йил сабза-вотчилик ва боғдорчилик бўйи-ча ҳам мўл ҳосил қўтариб, ўз маҳсулотлари билан Тошкент, Охангарон, Ангрен, Олмалик, Ян-тиғоб ва Қизилтўз шаҳарлар аҳолисини хушнуд эттирмоқда. Келгусида боғдорчиликни ке-найтириш омиллари ишга соли-наётган. Райондаги кимсасиз дашт ўрнида қар дорлаган «Бирлик», «Дўстлик» ва «Шодималик» ижа-ра жамоаларида юзлаб гектар майдонларга мевали дарахтлар-нинг қўчатлари ўтказилиб, бу ерлардаги айрим боғлардан даст-лабки ҳосил ҳам олинмоқда.

ОЗУҚА МЎЛЛИГИ—ЧОРВАНING БОЙЛИГИ

Бу йил район бўйича 62800 тонна дағал хашак, шу жумладан, 27 минг тонна сенаж, 17,5 минг тонна беда пичани, 2600 тоннадан мўл-роқ сомон ва бошқа озуқа-лар жағғариб олиш режа-лаштирилган. Ана шу маъ-сад билан меҳнат қилаётган

район ҳужаликларининг озу-қакорлари чорва учун мўл хашак тўплаш ишларини қатъий тарғиб асосида олиб бориб, бу соҳада бир қатор ютуқларни қўлга киритди-лар. Жумладан, Собир Ра-ҳимов номли ижара ҳужали-гида бир ярим йилга етди-ган чорва озуқаси жағғарили-ди. Ил бошидаги ҳужалик-да 4 нафар ўриш агрегати, 4 та КУВ янчиш ускунаси, 15 дан кўпроқ транспорт во-ситулари чорва учун хашак тўплаш билан банд бўлди. Ҳужаликнинг ҳамма ерда хашак жағғариш жадаллик билан олиб борилади. Нати-жада қисқа фурсат ичиде 2500 тоннадан кўпроқ сенаж бостирилди. Дағал хашак, сомон ва бошқа озуқалар ҳам режада белгиланганидан бир неча фоз кўп тайёр-ланди.

Шундай ибратли ишлар «Ангрен» ижара ҳужалигида ҳам амалга оширилди. Ҳу-жалик чорвадорлари ҳозир-нинг ўзидаёқ сенаж, дағал хашак, беда пичани ва бош-қа озуқаларни белгилангани-га нисбатан бир ярим биро-бар кўпроқ жағғариладар.

Ҳозир районнинг ҳамма ҳужаликлариде маккажўхори-дан силос бостириб ишла-ри қизгин олиб борилаётган.

ҲАММАСИНИ ЎЗИМИЗ ҚУРАМИЗ

РАЙОНИМИЗДАГИ кат-та-катта қурилишлар мала-кали бинокорларсиз бўйиб етилмаганини барча юрт-дошларимиз қалбдан ҳис этиб келаятганлиги бизни хушнуд этади. Ҳужаликлар-да чорвачилик объектлари, қишлоқларда янги-янги уй-лар, мактаблар, болалар боғчалари ҳамда бошқа са-ноат қорхоналарининг бўйиб етилишида Охангарон қури-лиш трестининг 92-меҳани-зацациялашган кўча колон-наси ўзининг самарали ҳис-сасини қўшаётган.

Кейинги йиллар мобайни-да ишчиларимиз кучи билан «Галлакудук» ижара жа-моасидан 108 минг бош қўча боқиладиган чорвачи-лик комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорларнинг бошқа бир гуруҳи «Янги ҳаёт» ижара ҳужалигини учун чорвачилик комплекслари қуриб берди. Уларнинг матонати билан Қорахтой қишлоғида 1151 ўқувчи мўлжалланган мак-таб биноси бора-ўғи ўн ол-ти ойда битказилди.

Бизнинг участкамиз бино-корлик ишлари бўйича ком-плекс мутахассисларга эга. Шу туфайли маълум бир қурилишга киришсак, ер қа-зишдан тортиб қулф-қалит-ларини ўрнатишгача ўз ку-чимиз билан амалга ошира-миз. Қорахтойдаги мактаб қурилишида бу тажрибамиз жуда қўл келди. Янги мак-таб биносининг иситиш ус-қуналари, қозонхона, теле-фон, электр тармоқларига ҳаммасини ўзимиз қура-миз.

Бинокорларимиз бу ердаги галла маҳсулотлари комби-натининг маблагини билан район марказида, Енарик аҳоли манзили яқинида нон тайёрлаш қорхонала-рини барпо этмоқда. Бу объектлар шу йилнинг охи-ри, янги йилнинг бошларида фойдаланишга топширилади.

Жамоамиз Охангарон шаҳ-рини ободонлаштириш иш-ларида ҳам ўзининг муно-сиз ҳиссасини қўймоқда. Бу ерда улкан ўйингоқ бўй-иб етилди. Қонобод наноте-атрининг янги биносини қу-рилишини ҳам бизнинг жа-моамиз бошлади. Янги му-сика мактаби, галла маҳ-сулотлари комбинатининг 140 ўришли болалар боғча-си, район маркази шифо-хонасининг қўшимча қор-

Бу соҳада айниқса, Алишер Навоий номли, «Ўзбекистон» ҳужаликлариде амалга оши-рилаётган ишлар ибратли-дир. Ҳужаликда силос ўра-ётганлар учун иситиш оғид, комбайнчилар ва транспорт-чиларнинг қорғиқ чиқариш-лари учун ҳамма шароитлар муҳайи этилган. Район бў-йича силос ўриш билан маш-ғул бўлаётган ўттиздан зиёд комбайннинг самарали иш-лаши учун тезкор устакхо-налар хизмати ташкил қилин-ган. Улар доимо захира ва эҳтиёт қисмлар билан ком-байнчиларга даланинг ўзиде амалий ёрдам берадилар.

Шунга эътиборни қаратиш кераки, айрим ҳужаликлар-да сомонни тўплаб олиш, уни гарамланган ҳолда фе-ри ва отарларга етказиб бе-риш ишлари анча суст бор-моқда. Баъзи ҳужаликларда эса бу озуқанинг талон-та-роқ қилинишига йўл қўйил-моқда. Натижада «Бирлик», «Дўстлик» ва «Шодималик» ижара ҳужаликлари бошқа жойлардан сомон сотиб ола-ётирларки, бу ҳолининг ўзиёқ аскари ҳужаликларда сомон тўплаб олишга жиддий аҳа-мият берилмаганидан дало-лат беради.

Кузнинг салқин келиши—қишнинг эрта тушишидан да-лолат. Шу босдан чорва-дорлар ҳар бир грамм озу-қани асраб-авайлаб сарфлаш тадбирларини қуришлари шарт.

Ш. НУРМУҲАММЕДОВ,
район агросаноат бош-қармаси раисининг би-ринчи муовини.



●СОБИР Раҳимов ном-район аҳолисига ҳар йили-да давлат ҳужалиги ҳуду-қунаб миқдорда хом ва пи-шиқ гўшт етказиб бермоқда.

ОХАНГАРОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ЕНАРИҚДАГИ мевалар-дан консерва тайёрлайди-ган завод жамоаси бу йил-дан бошлаб узуш шарба-тлари, шунингдек помидор салатлари тайёрлашни йў-ла қўйди.

ТЕЛОВДАГИ «Ширмой-нон» ширкати яқин кун-лардан бошлаб ҳақиқий ширинликлар тайёрлаш-га киришди. Бунинг учун ширинат матуриини маҳ-сус усқуналар сотиб олди.

ТАЙЕРЛОВ илорасининг ташаббуси билан «Оханга-рон» ижара жамоасининг марказида, «Ўзбекистон» ва Собир Раҳимов номли ҳу-жаликларининг марказий қў-роқларида фақат гўшт билан савдо қиладиган дўконлар рилар, меҳнат фахрийлари-на бир қўлайлигининг гу-тиловат қилдиладар.

воҳи бўлдики: Қонободда кескалар чойхонаси очил-ди. Бу ерда меҳнат фах-рийлари нафақат чой ича-дилар, балки шахмат-шашка, домино ўйнаб, қорғиқ чи-қариладар. Чойхона биносининг қурилишида районда-ги «Сантехлит» заводи маъ-мурияти амалий ёрдам бер-ди.

КАРИМ Қалаидаров узоқ муддат райондаги қолхоз-ларга ривислик қилган, ум-рининг охиригача одам-ларга фақат ахшилик ис-таган табаррук отахон эди-лар. У килии оламдан ўтга-нидан сўнг район маркази-даги собиқ «Почта» кўчаси-га Карим Қалаидаровнинг номи берилди. Яқинда ма-ҳалла аҳли шу муносабат билан хотира кунин ўтқа-зиб, Карим ака руҳини ёд этиб Қуруьон Каримдан

СУРАТДА: ана шу шир-катнинг ишчи ва хизматчи-лари иш устида.


ВИНОКОРЛИК матери-аллари саноати техникуми ўзининг 23-ўқув йилини бошлади. Шу йилнинг ўзи-да бу таълим даргоҳининг кундузги бўлимига 150 на-фар, сирғи бўлимига эса 100 нафардан ортиқ йилги ва қизлар қабул қилин-ди. Бу ерда янги ўқув йи-лидан бошлаб акаси дар-лар дағал тилида олиб бо-рилаётган. Ўтган давр ичи-да техникум район саноат қорхоналари ва ҳужаликлар учун 2000 дан зиёд ма-лакали мутахассислар ет-казиб берди.

КОРАХТОЙДАГИ 12-ўрта мактабда 1200 га яқин ўқу-чи таълим олади. Район-даги бу тарбия масканининг ибратли ишлари бутун жум-ҳуриятга маълум. Бу ҳол, «Ўзбекистон» ижара ҳужа-ликларини диққатини ҳам тортиди. Яқинда санъаткор-лар 12-ўрта мактаб тўғри-сида махсус телефильмин суратга олишни ниҳоясига етказдилар.

Мактаб тўғрисидаги теле-фильм яқин кунларда «за-ғори экран» орқали намо-йиш қилинади.

УШБУ саҳифани охангаронлик журналистлар-дан Абдусамид Абдулҳақов, Мўмин Қайюмов, За-рифа Эралиева, Жўра Намозбоев ва «Тошкент ҳа-қиқатининг» махсус муҳбири Рустам Ганиев тайёрлашди. Муаллифлар қалам ҳақларини «Тош-кент ҳақиқати» газетасига ёрдам ҳисобига ўтқа-зишга қарор қилдилар.

ТОШКЕНТ РАЙОНИДА БИР ЙУЛА 22 ЖУФТ КЕЛИН-КУЕВНИНГ НИКОХ ТҶУИИ УТКАЗИЛДИ.



Тўй тантанаси лаҳзаларини Даврон АХМАД суратга олган.

Ўзбекистон Республикаси бир йиллик истиқлол байрами олами ларзага солиб, қарнаю-сурнай наволари этиб бормаган даҳр қошоналари қолмади. Жаҳоннинг мадди назари, замин суябдаларининг диққат эътибори соҳибадор Ўзбекистонга қадалди.

Хуллас, халқ жаҳон Ўзбекистоннинг мустақиллик байрагини кўриб қувонди, хайрихоҳу дўстларнинг севинчдан қўлаги ёнди, ағилар аламдан, рашидан тўлғонди.

Ўзбекистон — она дийр, Дилм ларар қўшигу куйдан.

Сенсан менинг боғу баҳорин, Бошинг асло чинамасин тўйдан...

Истиқлол тўйдан сўнг яна бир тўй Тошкент вилояти Тошкент районида бўлиб ўтди. Унда йигирма икки келин-куёв дара қуриб, мингдан зиёд яқин йироқдан меҳмонлар қатнашди. Саодат тамғаси — тўй тақдирномасида битилган шеър сатрлар тўйбошилар қанда бериладиган ҳар қандай таъриф тавсифдан юқори бўлганлиги учун эътиборингизга ҳавола этишни лозим деб топдик:

Тошкент вилояти,
Тошкент райони,
Тўйга тақдир қилур
Ўзбекистонни!
Марҳаб тоғи қирғизу
қозоқ,
Туркману қарису яқину
йироқ.
Истиқлол тўйдан кейин
бахт тўйи,
Меҳмонга очикдир
Ўзбекининг уйи.
Бизларга ҳамдаму
ҳаммаслақ, ҳамсуз,
Эҳсон жамғармаси
ҳиммати «Наврўз»!

Ўз истиқомат жойларидаги қишлоқ кенгашларида тантанали равишда бўйлаб ўтган келин-куёвларни 22 та безатилган «Чайка» ва уларнинг ҳар бирларининг ёру-дўстлари учун 4—5 тадан енгил машиналар Тошкент шаҳри бўйлаб сайрга кутиб турар эди. Сайр олдида таомиларига кўра «Кўстерак» маскани имомхатини хушқироқли Иҳсон домла Турдиров келин-куёвларни ниқозладилар.

Район ҳокимлиги, қишлоқ кенгашлари ва маҳалла кўмиталари фаоллари никоҳ баъзи ошомига таралди кўра бошладилар. Аввало келин-куёвлар учун алоҳида жой ҳозирлаб стол усти энг сара нозу нисматлар, анвои гуллар билан безатилди. Район умумий ошқаланиб бўлиш томонидан ҳар бир жуфт учун алоҳида алоҳида 22 та кўсуз торт соғва тарқатилди. Таъбирини берилди. Ҳар бир келин-куёв томон, яъни қандайдаси гайлар учун ҳам 50 кишилик махсус жойлар белгиланиб, уларга хизмат кўрсатувчи кишилар ҳам тайинлаб қўйилди.

Ҳимматли «Наврўз» хайрия жамғармаси Тошкент райони ҳокимияти билан ел-

МЕҲМОНГА ОЧИҚДИР ЎЗБЕКНИНГ УЙИ

кама-елка туриб, мажкур тўйга 300 мингдан ортиқ ўз сармоясини сарфлади. 22 жуфт келин-куёвнинг ҳар бирига 12 минг сўмлик мебель, 7 минг сўмлик гилам, 3 минг сўмлик оват бош-оёқ сарпо ва ҳоназолар нигом этилди.

Қош қорая бошлаб, тур-лутуман қироқлар ёзилган тўйхона янада файзли бўлиб кетди. Худди шу вақт барча келин-куёвлар «Тўйлар муборак» садолари остида тўйга қўтарилдилар. 22 келин-куёвнинг бир дарада ўтириши бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон тарихидаги биринчи воқеа бўлса керак. Тўйнинг индолюси шундай тантанавор жарангли шеър сатрлар билан бошланди:

Ассалом, ҳумодан тўе
қўтарган эл,
Истиқлол тўйига
қўшалок байрам.
Тошкент вилояти буғи
боғлаб бел,
Тошкент районида бўлиб
жамулжам,
Она-Ўзбекистон
қилмоқдадир тўй,
Соқий шаробини
қадаҳларга қуй!

Айни пайтда келин-куёвлар оёқлари остига поёндозлар солиш, сочқилар сочин, исриқлар тутатиш каби анъаналаримиз ҳам унутилгани йўқ. Бундай ишларни тўйнинг барча расм-рўсусларига риоя қилган ҳолда ҳеч бир камчилигимиз ўтказишда фаол ҳисса қўшаётган Азимхон Ханомова бошлиқ район хотин-қизлар кўмитаси аъзолари амалга ошираётган эдилар, албатта. Бу улкан тўйни қўзғатаётган ҳар бир юртсевар зот бутун Ўзбекистонда бахт тўйи қанот ёзиб учаётган бахш қули ҳумони кўз олдида келтиради. Назарингиз Ўзбекистон байроғидаги 12 юлдуз ва бир ойга тушиб қулогингизга чалинган ушбу сатрлар баҳри-дилнингизни очиб юборади.

Ҳар бир вилоятдан келганлар меҳмон,
Созанда, раққоса,
Юдузларини совар
сочқидай осмон,
Бу тўйга маҳлал ой қизи билан.

Маълумки тўйга энг яқин ёру биродарлар, қаринош-уруғлар тақлиф қилиниб, шодлик бирга баҳам қўрилади. Шунинг учун ҳам қўшни Қозғистондан келган дўстлар тўйхонадаги энг хурматли меҳмонлар сафида бўлишди. Саримсоч район ҳокимияси ўроғул Асанбаева улар номидан келин-куёвларни қўлаб, «хонадонингиз тўқни-сочни, баракан

ли бўлсин», деган ният билан дастурхон ва рўзгор учун зарур анжомлар совға қилди.

Қўшни Юнусобод район Ҳокими Рустам Қалоев ҳам ўз ҳокимлиги томонидан кўйлар учун қосқом-шмлар заҳаратилганини билдирди. Ўзбекистон халқ шоби «Қонқўртқор» илмий-ишчи чинарши бирлашмаси бош директори Абдували Ғўлом-маҳмудов эса ўзи бош бўлган жамоа номидан ҳар бир ёш онла учун икки донадан Ўзбекистон заъми топириди ва яқинда ўйналадиган бу ўйинда уларга омад тиллади.

Албатта, ҳар бир тўй тантанаси куй-қўши, рақс ва ларлар билан файзлидир. Шу кўни юртимиздаги машҳур ҳофизу раққосалар, танқили дастлар ижрочилари хизматда бўлишди. Хусусан, Нуриддин Ҳамроқулов, Бахтиёр Тулағанов, Лутфулла Саъдуллаев каби бир қатор санъаткорлар, Шерқўзи Ғоизов бош бўлган «Ханда», шунингдек «Наврўз» халқ театри қатнашчилари, «Тановар» дастаси, район бадиий ҳаваскорлари ҳам тўйнинг янада серзаъқ ўтишига ҳисса қўшдилар.

Баъз оқшомиде бахтли келин-куёвларни Тошкент шаҳар 1-поёбоз ишлаб қиқариш бирлашмаси жамоаси номидан К. Мирзаев, Оҳангарон шаҳар ҳокимиятининг биринчи муовини А. Ҳролов, Германиядан келган меҳмон, «Озодлик» радиосининг бош муҳаррири Х. Неромов ва бошқалар таъриқладилар. Висол оқшомига Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб қиқариш бирлашмаси бош директори академик Маҳмуд Мирзаев яқун ясаб келин-куёвларга қўша-қариб ували-жуваги, бахтли-саодатли бўлишни, мустақил юртимиздаги энг бахтли оилалардан бўлиб қолишларини тиллади.

Икки кун олдин устоз Абдулла Орфиннинг: «Юргил, далаларга кетайлик, дўстим, диққинафас уйда

ётмоқ пайтимас. Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун, бир пари фаслнинг оғушига маст», шеър сатрлари таъсирда улгурганча келин-куёвларнинг ота-оналари, қаринош-уруғларидан мақоламизга «озуқа олиш» учун «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Д. Ёқубовнинг таъсирчилари билан бирга бўлиб, уларнинг ошқора мулоқотларининг гувоҳи бўлгандик.

Ҳоким ака. Азимов раҳбарлик қилаётган Охунбобоев номи жамоасининг бешинчи бригадаси дала шйопонидеги суҳбат катта таассурот қолдирди.

Шоҳиджон ва Шарофат Маъруповалар қизлари Ферузани «Навойи» жамоасида яшовчи деҳқон йигит Алижон Жураева узатилаётганидан, район ҳокимлиги ва Республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг ота-оналаридан миннатдорчилигини айтишди.

Иккинчи келин Наргиза Турсунованинг катта ораси Дилфуза тўйини олиб кетиб, отадан етим қолганларига қарамай онаси саккиз бола-ни тарбиялаб юрта етказгани, шулардан беш нафарини ўғли-жойли қилгани, ниҳоятда турмуш қийинчиликларини кўрганини айтиб йиглаб юборди.

Кейин Равшан Нормов раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигидаги ўз удуларига биноан қарлош Қозғистондан қиз олиб қўчиб келган Алихон ва Валихон Умрбековлариникига бордик. Сарке (қозоқ) маҳалласи раиси Зулфидор Холиқов «Қиз ол қочин» ҳақида гапириб: «Бизнинг удумга биноан, қиз билан жигит олдин келишиб, гаплашиб, кейин оққочилди, ҳеч қандай эурлаш, қоч ишлатиш бўлмайдик», — деди. Кўёвнинг отаси Жулибеков Умрбеков район ҳокими Рустам Аббасов ва Республика президенти Ислам Каримовларга минг раҳмат деб, бутунги

осойишта ҳаётга шукроналар билдирди. Кампирлари Дариғул опа ҳам «чой ичабиз, қўнов бўлишлар» деб, меҳмон қилолмаганидан афсусланиб қолди.

Сафаримиз давомида Ғўломмаҳмуд Абдуллаев номи жамоа хўжалигида ҳам бўлиб, йилида 7 миллион шарли банка консерва, 3 миллион шина шарбат тайёрлаш, 400 минг тонна сутни қайта ишлаш заводи борлигини кўрдик. Катта маблагга мактаб ва маҳин, 4 миллион сўмга боғча, 12 миллион сўмга мактаб қураётган ва тўй дастурхонинг безашини ўз зиммасига олган ба жамоани тарқ этарканмиз, ҳаёлан тўйхонага қайтамиз.

Тоҳиру Зухролар. Ғарибу Шоҳсанамлар, Лайлино Маннунлар, Фарҳоду Ширинлар, Вомиқу Эролар етолмаган саодатли бахт остонасига етган, бахт тўйи қасрамоалардан сўзлайдиган бўлсак, булар ҳақиқий бир-бирларини топан ҳамдишу ҳамдари, юлдузлари тўғри келган хўжастанлар билан эди. Улар азна газетқон, Сиз ва бизни қизқитириган саволларга фақат таъсусом билан жавоб бердилар. Зеро, Истиқлолнинг камтаринлиги ва тортинқоқлиги, қизларинидаги ифрату боқирлик табиийи, халқ «ола хуржун» бўйига тушмасдан, ҳаётнинг ачқич-чучутини тоғмасдан тўғридан-тўғри саволларга жавоб беришдан ўзларини тийинишди, ёиларида турган ота-оналарининг рўй-хотирини қилишди. Уларнинг бахтни ифодаловчи сукутидан сўнг ҳаёдан шундай сатрлар ўтди:

Юлдузлар ухлайди,
уйғонар қўёш,
Доимо бахт бўлсин
сизларга йўлдош,
Орзуингиз ушлайди,
ҳар келин-куёв,
Сизни тарқ этмасин
ниқ деган олов!

Зулхумор ЖУРАЕВА,
Олимжон БҒРИЕВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент вилоят Ҳокимлиги ва унинг тараққийот истиқболини мўлжаллаш кўмитаси жамоалари кўмитаси раиси А. А. Валлеева акеси Умархон ВАЛИЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия нахор қилдилар.

С. АБДУРАҲМОНОВА.

ЯНГИЧА ТАНЛОВ

Чирчиқ шаҳрида мактаб умумий оқитиланиш мутахассисларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда турли мактаб ошқоналарининг ошпазлари, қандолатчилари ўз ҳунарларини намойиш этдилар. Танловнинг ташкилий кўмитасига Чирчиқ шаҳар умумий оқитиланиш трестининг директори А. Фозилов, директор муовини Т. А. Шургина ўртоқлар бошчили

қилдилар. Шунингдек маҳаллаи ошпаз, қандолатчилардан Р. Таченко, В. Николаевалар эса жюри ҳайъати аъзолари вазифасини бажардилар. Танловнинг ўзгача руҳда ўтганини шунданки, унда ҳеч кимга I—II ўрин қўйилмади. Голлабларга «Яхши мутахассис» деган гувоҳнома топирилди, холос.

С. АБДУРАҲМОНОВА.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-
ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ:
700000 ТОШКЕНТ, ГСП
ЛЕНИНГРАД
КУЧАСИ, 32.



Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ
ИШЛАР БҒЛИМИ
33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЗО-
РАТ БҒЛИМИ — 33-99-15.

